КОЛОСТАЗНИНГ БОЛАЛАР АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЬСИРИ (ФАРҒОНА ТУМАНИ 21-МАКТАБ МИСОЛИДА)

Исакова Н.Р.
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Антропометрик кўрсаткичлар тиббиёт фанларининг барча бўлимлари билан амалий жихатдан чамбарчас боғлиқ. Академик В.В.Гинзбургнинг фикрича, инсон организмини антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш негизида унинг соғломлаштириш ва ривожлантириш мақсадлари қўйилган. Бугунги кунда тиббий ва антропологик муаммо инсон гавда холати ва у билан боғлиқ бўлган турли патологик шароитларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. А.Б.Войнер ўз илмий изланишларини ортиқча вазнга эга бўлган балоғатга етган аёлларнинг антрометрик кўрсаткичларини ўрганишга бағишлаган. Уларнинг тана вазни ва узунлиги, тананинг турли қисмларидаги тери-ёғ қавати қалинлигини ўлчаб, нормадан оғишлар кузатилган аёлларни аниқлаган хамда уларни фармакотерапевтик коррекциялаган. А.Е. Алексеева 16-20 ёшдаги аёлларнинг вертеброметрик ва антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш мобайнида уларнинг гавда холатини типларга ажратган ва саломатлик холатига бахо берган.

Антропометрия - одам организми аъзоларининг ҳамма белгилари (узунлиги, эни, қалинлиги, шакли, ранги ва ҳ.к.) ўзгариб туришини миқдорий томондан тавсифлаб беради. Олинган маълумотлар организмнинг айрим бўлаклари (бош, бўйин, кўкрак қафаси, қорин ва чаноқ қисмлари, қўл ва оёқлар)га таққосланиб, ўсиши ёки ўзгариши кузатиб борилади. Антропометрия маълумотларидан криминалистикада жиноятчиларни тавсифлаш ва аниқлашда ҳам фойдаланилади. Организм морфофункционал текшириш асосида инсоннинг саломатлик кўрсаткичларини аниқловчи мезонлардан биридир. Турли худудларида яшовчи 7-12 ёшдаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан унинг бўй ўсишига таьсир этувчи омиллар ўрганилган. Шу каби бир қанча ўтказилган тажрибаларда одам антропометрик кўрсаткичларини аниқланган. Лекин бу кўрсаткичлар йўғон ичакнинг касалликлари билан боғлаб ўрганилмаган. Болаларда кўп учрайдиган йўғон ичак касалликларини уларнинг антрометрияси таьсир этиши хамда хозирги пайтда антропометрия кўрсаткичларини худудлар кесимида ўрганиш - тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Бу кўрсаткични экологик мухитга, соғлом турмуш тарзига, турли хил патологиялар яъни касалликларга хамда жинсий тафовутларга боғлаб ўрганилганда кескин фарқланишлар келиб чиқмоқда.

Юқоридаги муаммоаларнинг кенг тарқалган сабаб ва оқибатларини ўрганиш тиббиёт ходимларини кенг мулохаза юритишга чорлайди. Антропометрик кўрсаткичларнинг нормага нисбатан фарқланиши айниқса овқат хазм қилиш тизимида учрайдиган касалликлар оқибатида пайдо бўлмоқда. Булардан йўғон ичакнинг турли хил касалликлари: колит, йўғон ичак яраси, дисбактериоз, Грингшпурнг касаллиги, Крона касаллиги, долихосигма, колостаз ва турли хил ўсмалар шулар жумласидандир. Нормал кўрсаткичларга солиштириш асосида аниқланган тафовутлардан келиб чиққан холда чора тадбирларни белгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мақсад: Фарғона вилоятининг шахар ва туманлари кесимида мактаб ўқувчиларини антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш, тахлил қилиш хамда аниқланган кўрсаткичларга асосланиб чора-тадбирларни белгилаш.

Ўрганиш усуллари: Фарғона вилоятининг айрим шахар ва туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқиётган 1-11 синф ўқувчиларининг бўй ва тана

https://wordlyknowledge.uz

оғирликларини бўй ўлчагич ва тарози ёрдамида ўлчаш. Натижаларни тахлил қилиш орқали нормадан фарқланиш кузатилганлар орасида бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш хамда анамнез йиғиш.

Олинган натижалар ва хулоса: Олиб борилаётган илмий-тадқиқот иши 7-18 ёшгача бўлган, жами 1053 нафар мактаб ўқувчилари орасида ўтказилди. Бунга кўра, Фарғона вилоятининг Фарғона шахридаги 1-сонли мактаб, Фарғона туманидаги 21-сонли мактаб, Бағдод туманидаги 40-сонли мактаб, Бувайда туманидаги 9-сонли мактаблар танлаб олинди. Фарғона шахридаги 1-сонли мактабда 234 та ўқувчи (127та қиз болалар ва 107 та ўғил болалар), Фарғона туманидаги 21-сонли мактабда 251 та ўқувчи (136та ўғил болалар ва 115та қиз болалар) , Бағдод туманидаги 40-сонли мактабда 305 та ўқувчи (170та ўғил болалар ва 135 та қиз болалар), Бувайда туманидаги 9-сонли мактабда 263та ўқувчи (132 та ўғил болалар ва 131 та қиз болалар) бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилди. Бўй узунлигини ростомер ёрдамида, тана массасини тарози билан ўлчанди. Кўкрак қафасининг айланаси сантиметр лента билан нафас олган, нафас чиқарган ва пауза пайтида ўлчанди.

Олинган антропометрик кўрсаткичлар асосида уларнинг тана масса индекслари чиқарилди. Натижалар норма билан солиштирилди. Ёш ва жинсига нисбатан нормадан четланишга эга бўлган ўқувчилардан тиббий анамнез йиғилиб, антропометрик кўрсаткичларга сабаб бўлаётган омиллар ўрганилди.

Худудлар кесимида қуйидагича кўрсаткичлар олинди.

Фарғона тумани 21-сонли мактабда 1-синф ўқувчилардан 6та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 2-синф ўқувчилардан 8та ўғил болаларда ва 5та қиз болаларда; 3-синф ўқувчилардан 7та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 4-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 5та қиз болаларда; 5-синф ўқувчилардан 9та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 6-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 7-синф ўқувчилардан 3та ўғил болаларда ва 4та қиз болаларда; 8-синф ўқувчилардан 3та ўғил болаларда ва 4та қиз болаларда; 8-синф ўқувчилардан 5та ўғил болаларда ва 3та қиз болаларда; 9-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 5та қиз болаларда; 10-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 3та қиз болаларда тана масса индекси нормадан паст кўрсаткичга эга бўлди.

Юқоридаги натижаларга кўра, уларда йўғон ичак касалликлари, айниқса уларнинг кўпроқ қабзиятдан азият чекаётганлиги аниқланди. Шу жумладан уларнинг соғлом турмуш тарзига ва соғлом овқатланиш қоидаларига хамда шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилмаслиги, спорт билан кам шуғулланиши хам бу касалликнинг ривожланишига туртки бўлади.

Барча мактаб ўқувчиларини антропологиясини ўрганиш жараёнида шу туманнинг экологик холати, яшаш тарзи, ичимлик сувининг санитар-гигиеник жихатдан талабга жавоб бериш холати, ахолининг соғлом турмуш тарзига риоя қилиш даражаси каби қатор факторлар билан боғлаган холда нормадан четланиш сабаблари ўрганилди. Ва олинган натижанинг колостаз касаллиги билан боғлиқлигига чуқур эътибор қаратилди. Бу антропометрик натижалар мактаб ёшидаги болаларининг ёши ва жинсига нисбатан тахлил қилиниб хулосалар тайёрланди.

Биринчи навбатда болаларни шахсий гигиена қоидаларига риоя этишини назорат қилиш керак. Иккинчидан, уларда учраётган касалликларни батараф этиш ва антропометрик кўрсаткичларини ўзгаришини динамикада кузатиб бориш. Қабзиятдан азият чекаётган болаларда даволаш-профилактик ишларни олиб бориш.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Isaqova, N.R. (2023). Influence of constipation on anthropometric indicators of children. *Science and Innovation*, Volume 1, Issue 8, pp. 888-892.

https://wordlyknowledge.uz

2. Isakova,N.R. (2021). The effect of constipation due to diseases of the colon on the anthropometric parameters of children. *Asian journal of multidimensional research,* Volume:10, Issue 5, pp. 666-669.

3. ANTHROPOMETRIC INDICATORS OF CHILDREN
   IN Raxmatjonovna
   Scientific Impulse 1 (5), 883-887
4. BOLALARNING ANTROPOMETRIK KO'RSATKICHLARINI TURLI OMILLARGA BOG'LIQLIGI
   N Isaqova
   Science and innovation 1 (D8), 1000-1003
5. ВЛИЯНИЕ ЗАПОРА НА АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ДЕТЕЙ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ТОЛСТОГО КИШЕЧНИКА
   ИН Рахматжоновна
   тиббиётда янги кун 2 (34), 85-87
6. ВОЗМОЖНЫЕ ПУТИ КОРРЕКЦИИ СЕКРЕТОРНОЙ ФУНКЦИИ ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ЕЁ ПРОТОКОВОЙ СИСТЕМЫ
   НР Исакова, Ж Юнусов, АГ Худоярова
   НЕДЕЛЯ НАУКИ-2017, 489-491

WORDLY
KNOWLEDGE

https://wordlyknowledge.uz